



Мустакиллик йилларида миллий ўзлигимизни англашга, тарих ҳақиқатини билишга, халқ интеллигенциясининг ижтимоий тараққиётда турган ўрни ва ролини янгича идрок этишга катта эҳтиёж сеза бошладик. Президент И. Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (Т., 1998) ва бошқа асарларида тарих фани олдида турган долзарб муаммоларни белгилаб берди. Тарих фанини ҳар қандай сиёсий зугум ва мафкуравий таъйиклардан озод қилишнинг назарий ва амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Зеро, тарих фани ҳулосаларига асосланадиган сиёсатгина таосирчан қучга эга бўлиши ва етилган ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этиш воситаси бўлиши мумкин.

Миллий мустакиллик йилларида шаклланган янги сиёсий тафаккур ва фалсафий дунёқараш инсоният тарихига урушлар, халқ кўзголонлари ва революциялар тарихи сифатида эмас, балки гоёлар тарихи, инсониятнинг маонавий – интеллектуал ривожланиш тарихи сифатида қарашни, интеллигенциянинг жамият ривожигаги ўрни ва ролини янгича тушунишни талаб эта бошлади.

Собик совет жамиятининг умумий таназзулга юз ўгириши ҳам, мустакиллик йилларида орттирган таърибамиз ҳам интеллигенциянинг жамиятдаги мавқеини юксалтирмай туриб, таолим-тарбия соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга оширмай туриб, на иқтисодий фаровонликка, на ижтимоий- сиёсий барқарорликка эришиб бўлмастлигини яққол кўрсатди.

Интеллигенция ҳамма замонларда ҳам халқнинг доно раҳнамоси, тараққиёт сари етакчиси ва йўлбошчиси бўлиб келган. Инсоният тарихида чуқур из қолдирган улуг алломалар, ҳарбий сарқардалар, сиёсат, саноат, дин арбоблари халқ орасидан етишиб чиққан илгор интеллигенциянинг пешқадам вақиллари эдилар.

Интеллигенция халққа, жамиятга гоё берувчи, одамларни илгор гоё атрофида жипслаштирувчи, халқни бунёдқорлик ишларига сафарбар этувчи социал қатламдир. Инсоният тарихи жамият ҳаётида интеллигенция роли ва аҳамиятининг муттасил равишда ортиб бориши тарихидан иборатдир.

Турли тарихий даврларда жамиятнинг маонавий-интеллектуал ҳаётида гоҳ дин, гоҳ фан, гоҳ саноат, гоҳ сиёсат арбоблари етакчи мавқени эгаллаб келганлар. Дехқончилик ишлаб чиқаришига асосланувчи аграр жамиятларда интеллигенция алоҳида социал қатлам, жамиятни ҳаракатлантирувчи қуч сифатида ажралиб чиқмаган эди. Саноат ишлаб чиқаришига асосланувчи индустриал жамиятда, бозор муносабатлари тўла ривожланган бир шароитда интеллигенция алоҳида социал қатлам сифатида ажралиб чиқа бошлади, фан жамият тараққиётини тезлаштирувчи ижтимоий фаровонлик ва мўл-қўлчиликни таоминлаш воситасига айланди; демократик давлат интеллигенцияни

хар томонлама кўллаб-қувватлашга, фан тараккиёти учун хомийлик қилишга алоҳида эҳтибор бера бошлади.

Хар қандай дипломи мутахассисни ҳам интеллигент (зиёли) деб бўлмади, албатта. Хақиқий интеллигентлик ватан тарихини, халқ тарихини, жамият тарихини, аجدодларимиз ўтмишини ҳолисона илмий асосда билишдан бошланади. Халқ тарихига, мамлакат кечмишига бирёқлама қараш, яъни ўтмишни бутунлай қора бўёқларда тасвирлаш ҳам, уни фақат ютуқлардан иборат қилиб кўрсатиш ҳам илмий об'ективлик, ҳолислик принципига зиддир. Тарихда йўл қўйилган ҳато ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини ҳолисона таҳлил қилиш халқ тадқиқида, мамлакат ривожига, табиий-географик муҳит ва иқлимнинг таъсирини тўғри белгилаш, тарих сабоқларидан тегишли хулосалар чиқариш, ватанпарвар, тараккийпарвар ва халқпарвар зиёлилар авлодини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида тарих фанини ўқитишни янада такомиллаштириш, биринчидан, тарих фани олдида турган гоёт мураккаб ва долзарб муаммоларни оқилона ҳал этишга, иккинчидан, ёш авлодда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга, учинчидан, миллий интеллигенциянинг жамият тараккиётидаги ўрни ва ролини тараққий эттиришга, интеллигенциянинг мавқеини хар томонлама кучайтиришга имкон беради.

Хуллас, тарих ҳақиқатини қарор топтириш, тарих фанини сиёсий зўғум ва мафқуравий таъйиқлардан озод қилиш, ватанпарвар ва тараккийпарвар зиёлилар авлодини шакллантиришнинг зарур шартидир.

А. Абдумаликов (ФарДУ)

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ЖАМИЯТГА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛИ ЁНДАШИШНИНГ ЎЗARO БОГЛИКЛИГИ

Инсоният тарихига цивилизацияли ёндашиш хар бир мамлакат тарихи билан жаҳон тарихи ўртасидаги умумийлик, ўзига хослик ва бетакрорликни бир – биридан фарқлашга, ватанимиз халқларининг жаҳон халқлари тарихида тутган ўрни ва ролини равшанроқ идрок этишга имкон беради.

Жамият ривожига цивилизацияли ёндашиш ўзининг туб моҳиятига кўра жамият тараккиётига формацияли ёндашишга бутунлай зиддир: формацион ёндашув жаҳон халқлари тараккиётидаги ўзига хослик, бетакрорлик ва ноёбликни эҳтиборга олмас, балки ер юзидаги барча халқларнинг миллий менталитети, маданий ривожининг тарихий тажрибасидан қатъий назар, уларни суноий схемага, битта андозага солишга, тарихий

тараккиётдаги ранг-барангликни инкор этишга каратилган эди. Тарихий тараккиётдаги ранг-баранглик ва ўзига хослик турли тарихий даврларда турлича шаклларда намоён бўлиб келган. Миллий тараккиётдаги ўзига хослик бошка халкларда кизиқиш, хавас ва хасад уйготганлиги шубхасиздир.

Ер юзидаги барча халклар тараккиётдаги ўзига хослик жaxon тарихини икки цивилизацияга – Шарк ва Гарб цивилизацияларига бўлишга олиб келганлиги тасодиф эмас эди.

Тарихий хотира бугунги кунда жамиятимиз хаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар мохиятини теранрок англаш, истикболни кўриш, халкимиз менталитетини тушуниш ва уни давр талабларига мувофиқлаштириш учун зарурдир.

Таникли инглиз олими А. Тойнбининг таокидлашича, хар кандай цивилизация ўзига хос хаёт фалсафасига таянади. Дин хар кандай цивилизациянинг ўзаги ва таянчидир. Цивилизацияларни бир – биридан фарклар ва тасниф килишда у ёки бу жaxon динларини асос килиб олиниши бежиз эмасдир: мусулмон цивилизацияси, христиан цивилизацияси ва хоказо.

Дин одамларни уюштириш, ижтимоий – сиёсий талаб ва нормаларга бўйсундириш, ижтимоий баркарорлик, тинчлик ва тотувликни карор топтиришнинг ишончли воситаси бўлиб келган. Диний кадриятлар, миллий маданиятларнинг ривожланишига, халкларнинг бир – бири билан якинлашувига, умумбашарий кадриятларнинг шаклланишига ижобий таосир кўрсатган. Дин хамма замонларда кишиларни комилликка, маонавий юксалишга даоват этган, иймон – эотикод, комил инсон шахсининг туб асосини, негизини ташкил этган. Ўзбекистоннинг цивилизацияли тараккиёт йўлидан ривожланиши мустакиллик йилларида диний кадриятларнинг тикланиши яккол кўзга ташланди.

Ўзбекистоннинг кейинги юз йил давомида ижтимоий сиёсий ва маонавий тараккиётда эришган барча ютуклари, унинг кўхна Шарк ва илгор Европа цивилизацияларининг илгор ютуқларини ўзлаштириши билан узвий богликдир. Миллий мустакиллик йилларида мамлакатимиз тараккиёти йўлида пайдо бўлган катор муаммолар (демократик институтларнинг шаклланиши, таолим – тарбия, тадбиркорлик сохасидаги ислохотларни амалга ошириш йўлидаги кийинчиликлар), шаркона демократия тўгрисидаги ноилмий карашларни зўр бериб таргиб этиш билан хам богликдир.

Шарк цивилизациясига хос тургунлик, баркарорлик, табиий географик мухит, дехкончилик ишлаб чикаришининг иктисодиётда етакчи мавкени эгаллаши, диний тафаккурнинг илмий тафаккурга нисбатан устунлиги билан боглик эди. Гарб мамлакатларида дехкончилик ишлаб чикариши табиий – географик мухитнинг барча нокулайликлари, саноат ишлаб чикаришининг ривожланиши илм – фанни тараккий эттиришни талаб этган.

Ватанимиз тарихини фалсафий тушуниш, жамият тараккиётига цивилизацияли ёндашиш, мамлакатимиз таолим – тарбия муассасаларида, айникса, олий ўкув юртларида ватан тарихини ўкитиш сифати ва самарадорлигини оширишда мухим ахамиятга эгадир. Аждодларимиз ўтмиши, ватанимиз тарихини ўрганишда цивилизацияли ривожланишнинг мухим хусусиятларини кўрсатиш, миллий ўзига хосликни хаддан ташкари бўрттиришнинг зарарли окибатларини тахлил килиш мухим ахамиятга эгадир.

Зеро, тараккиётга интилувчи халклар хамма замонларда хам илгор халклардан ўрганишга, улар билан хамкорлик килишга интилганлар.

Хуллас, Ўзбекистоннинг цивилизацияли тараккиёт йўли халкимизнинг кучли ва кучсиз,

Миллий интеллигенция ривожланишининг зарур шarti

Муаллиф:

13.09.2010 20:54 -

фахрли ва салбий томонларини хар томонлама чукур билишни ва улардан тегишли хулосалар чикаришни таказо этади.

И. Тоиров (ФарДУ)